

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА МОҲИРА БАХТИЁРОВА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy
(PhD) on economical sciences**

Пулатова Моҳира Бахтиёровна

Саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини
молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари 3

Пулатова Моҳира Бахтиёровна

Пути эффективного использования инвестиций в финансировании
внешнеэкономической деятельности промышленных предприятий 25

Pulatova Mokhira

Ways of effective use of investments in financing the foreign economic
activity of industrial enterprises 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА МОҲИРА БАХТИЁРОВА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Iqt124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш www.bfa.uz веб-саҳифаси ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Низамиддин Хамраевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Каримов Норбой Ганиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Қузиева Наргиза Рамазановна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25; факс: (99871) 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобал даражадаги рақобат курашининг кучайиши туфайли миллий иқтисодиётларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга бўлган ҳаракат кучаймоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ташқи савдо айланмаси ҳажмини тобора ошириб боришга интилиш натижасида саноат маҳсулотлари экспорти изчил равишда кўпайиб бормоқда. Халқаро статистик маълумотларга кўра 2016 йилда экспорт ҳажми Германияда 1547 млрд, АҚШда – 1497 млрд, Францияда – 589,7 млрд, Италияда – 524,9 млрд, Россияда – 520,3 млрд, Буюк Британияда – 479,2 млрд долларни ташкил этган. Бироқ экспорт ҳажмининг аҳамиятли бўлишига қарамай, ташқи савдо баланси АҚШда – 451,7 млрд, Буюк Британияда – 157,6 млрд, Францияда – 21,1 млрд млрд ташкил этган. Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, асосан, хом ашё маҳсулотларини экспорт қилиш билан чегараланмоқда. Бу эса жаҳон миқёсида саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш масалаларининг аҳамиятли эканлигини намоён этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни молиялаштириш жараёнлари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда жаҳоннинг турли мамлакатларида ташқи савдо, хусусан, экспорт жараёнларини фаоллаштиришнинг илмий жиҳатларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, эркин иқтисодий ва савдо ҳудудлари, технопарклар, инновацион марказлар, ташқи савдони ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланиш каби йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар сабаб етакчи мамлакатларнинг тез суръатлар билан иқтисодий ривожланиши, халқаро транспорт ва коммуникациялар мукамаллашуви, хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига нисбатан тайёр маҳсулот ва хизматлар нархининг кескин ўсиши натижасида жаҳон савдосида тижорат хизматлари ҳамда тайёр маҳсулотлар экспортининг салмоғи ортмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва экспорт фаолиятини рағбатлантириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш мамлакат экспорт ҳажмининг барқарорлигини ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш муҳим омилга айланиб, экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсмоқда. 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича дастурда «саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга янгича ёндашув»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 4 мартдаги ПФ–4707-сон «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 24 июлдаги ПФ–5120-сон «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро иқтисодий глобаллашув ва интеграция кучайиши, трансмиллий компаниялар фаолияти тез суръатларда ўсиши билан саноат корхоналарининг экспорт-импорт операцияларида хорижий инвестицияларни жалб қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур мавзу Ф.Ж.Фабозци, У.Ф.Шарп, А.Ж.Гордон, Ж.В.Бэйли, Н.В.Носко, Н.Ю.Лашч, В.Г.Золотогоров, Т.А.Малахова, Л.С.Валинурова, О.Б.Казакова, Д.В.Буньдовский, Р.И.Нигматулин, И.А.Уланова, Е.Н.Парфенова, А.А.Хрысёва, Е.И.Добрусин, Г.И.Горловская, М.С.Мизя, Л.Н.Гатина, А.В.Саркин, В.В.Мартынов, Л.Е.Стровский ва Ю.А.Старцева каби хорижлик таниқли олимлар² томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

²Frank J. Fabozzi «The theory and practice of investment management», John Wiley&Sons, Inc, 2012, P-914.; Носко Н.В., Лашч Н.Ю. Повышение эффективности управления инвестиционными проектами в Республики Беларусь. - Вестник Брестского государственного технического университета. – 2013. №3, с. 45-48; Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование. - Минск: ИП «Экоперспектива», 1998.; Малахова Т.А., Пасканый В.И. Повышение эффективности управления инвестиционными проектами в региональном развитии. / Региональная экономика: теория и практика. - №17(344), 2014, с. 42-48.; Валинурова Л.С., Казакова О.Б. Управление инвестиционной деятельностью: учебник. – М.: КНОРУС, 2005.; Буньдовский Д.В. Управление инвестиционным проектом: Регулирование параметров проекта. Вестник ИрГТУ, №5 (76), 2013, с. 161-164.; Нигматулин Р.А. Теоретические подходы к управлению инвестиционными проектами на промышленном предприятии. - Социально-экономического явления и процессы. - №4 (12), 2008, с.66-68.; Уланова И.А. Стратегия управления инвестиционной деятельностью перерабатывающих предприятий. - Вестник Волгоградский Государственного университета, №2 (15), 2009, с. 147-152.; Парфенова Е.Н. Совершенствование механизма управления региональными инвестиционными проектами. - Научные ведомости, 2010, №7 (78), Выпуск 14/1, с. 35-44.; Хрысёва А.А. Развитие системы управления инвестиционными проектами в Российской экономике. - Известия Волгоградский государственный технический университет, 74-75 с.; Горловская Г.И., Мизя М.С. Системное управление инвестициями промышленного предприятия. - Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2012. № 3. С. 167-173.; Гатина Л.Н. Совершенствование управления инвестиционными проектами на промышленных предприятиях. / Социально-экономические явления и процессы, №4 (12), 2008.; Саркин А.В. Разработка и внедрение системы управления инвестиционными проектами на предприятиях нефтехимического комплекса. - Вестник ТГУ, №2 (58), 2008, с. 112-117.; Мартынов В.В., Стровский Л.Е. Внешне-экономическая деятельность предприятия: Учебник. 5-е изд., перераб. и доп. - М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2011.; Старцева Ю.А. Стратегического планирование бизнес процессов. - Институт экономики и управления, с. 108-110.

Мамлакатимизда А.Ш.Бекмуродов, Ш.Т.Йўлдошев, Н.С.Кўзиева, Д.Г.Ғозибеков, Н.Х.Хайдаров, М.Б.Хамидулин, Н.Ғ.Каримов, А.У.Бурханов, Б.С.Маматов, Д.Ю.Хўжамқулов, Р.Х.Алимов, Б.Т.Байхонов, О.Ш.Нурбеков, Д.Д.Рустамова каби иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида саноат тармоқлари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштириш ҳамда инвестициялардан фойдаланишнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.³

Бироқ саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари диссертация тадқиқотининг алоҳида объекти сифатида тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиявий таъминлаш механизмининг асослаш;

инвестиция лойиҳасини молиялаштириш кўламига кўра янги таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш;

мамлакат саноат тармоғининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

худудлар кесимида инвестиция самарадорлигини баҳолашга қаратилган таҳлилларни амалга ошириш;

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни

³Хамидулин М.Б. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш. - Ўқув-методик курси. - Т.: - Молия, 2006.; Каримов Н.Ғ. Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение. -Т., 1998.; Кўзиева Н.С. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. Монография. - Т.: IQTISOD MOLIIYA, 2006.; Ғозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003 Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2003.; Бурханов А.У. Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш // Молия илмий журнали. -№ 2, 2016. - Б. 47-53; Алимов Р.Х., Байхонов Б.Т. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестиция стратегиясини асосий тамойиллари ва тақсимоти. - «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. - № 5, 2012.; Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. - Т.: Иқтисод-молия, 2014. - 608 б.; Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2006.

бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият юритаётган энгил саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий обстракция, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг тизимли таҳлили, иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, кузатиш, маркетинг тадқиқоти, эконометрик усул каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат тармоғига хорижий инвестиция сифатида киритилётган илғор технологиялардан самарали фойдаланишда ходимлар малака даражасининг мувофиқлигини таъминлаш вазифаларини хорижий инвестор масъулияти доирасига киритиш асосланган;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда инновацион технологияларга нисбатан жадаллаштирилган амортизацияни қўллашнинг амалдаги тартибига асосий воситанинг эскиришига қўшимча равишда ҳисобланадиган қайта баҳолаш индекс коэффициентини татбиқ этиш орқали иқтисодий тежамга эришиш имконияти асосланган;

саноат корхоналарида хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий инвесторнинг миллий инвестор улушидан кам бўлмаган миқдордаги капитал билан иштирок этишининг устувор жиҳатлари асосланган;

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиявий таъминлашнинг амалдаги механизми вазифаларни стратегик, тактик ва операцион тавсифи бўйича аниқлаштириш, замонавий усуллари ҳамда воситаларни татбиқ этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим омиллардан бири «инвестиция лойиҳаси» тушунчасига такомиллашган муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

инфратузилма яхши ривожланмаган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кичик инвестиция лойиҳаларига имтиёзлар жорий этилиши асослаб берилган;

ҳудудлар кесимида инвестициялар самарадорлиги ICOR индекси орқали баҳоланган;

саноат корхоналари экспорт фаолиятига инвестициялар таъсирининг эконометрик таҳлили натижасида инвестиция, ишлаб чиқариш ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонининг ортиши экспорт ҳажмининг ортишини рағбатлантириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, илмий обстракция, ижтимоий-иқтисодий

ходисаларнинг тизимли таҳлили, иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, кузатиш, маркетинг тадқиқоти, эконометрик усул каби текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштириш учун инвестициялардан самарали фойдаланишда илмий аппаратни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланишга доир дастурлар ҳамда истикболдаги режаларни ишлаб чиқиш, саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари магистратура мутахассисликлари ҳамда бакалавриат йўналишида ўқитилаётган «Инвестиция лойиҳаларини бошқариш», «Молия» каби фанлар ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат тармоқларига илғор хорижий технологияларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун миллий кадрлар малакасини оширишни хорижий инвестор зиммасига юклаш ҳамда иқтисодий самарани тақсимлаш тартибини қатъий белгилаш UZTEX TASHKENT ҚК фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 26 апрелдаги ДМ-173-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида 100 нафардан ортиқ миллий кадрларга хорижий ускуна ва технологиялардан фойдаланишни ўргатиш бўйича ўқув-тренинг машғулотлари ўтказилиб, корхона тасарруфидаги замонавий хорижий технологиялар ва ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги ортган;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш орқали иқтисодий тежамга эришиш имконияти UZTEX TASHKENT ҚК фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 26 апрелдаги ДМ-173-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши инфляция суръати юқори бўлган шароитларда юқори самара бериб, техник ва технологик модернизация учун замин яратди ва корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берган;

корхоналарда хорижий инвестиция иштирокидаги инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий инвесторнинг улушини миллий

инвестор улушидан кам бўлмаган миқдорда капитал билан самарали иштирок этиши UZTEX TASHKENT ҚК фаолиятида қўлланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 26 апрелдаги ДМ-173-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишда кўзда тутилмаган харажатларни молиялаштириш манбалари етишмаслиги муаммосини тезкорлик билан бартараф этиш асосида ишлаб чиқаришнинг ўз муддатида бошланиши ва кутилган пул оқимларини таъминлаш имконини берган;

саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиявий таъминлаш механизми «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси бошқарув тизимига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 26 апрелдаги ДМ-173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши корхонада инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни тезкор аниқлаш ва олдини олиш имконини бериб, лойиҳа доирасидаги барча ресурсларнинг самарали фойдаланишини, лойиҳавий бошқарувнинг замонавий стандартлари ва тизимлари жорий этилишини таъминлаган. Жумладан, халқаро сифат менежмент тизими ISO 9001-2015 ва ташкилот ресурсларини режалаштириш тизими (ERP system) SAP 4/HANA дастурлари корхона лойиҳаларини ўз вақтида, самарали амалга ошириш ва уларни кунлик мониторингини олиб бориш имконини берди. Натижада лойиҳани амалга оширишдаги иқтисодий ва вақт сарфидан йўқотишлар 5%га қисқарди, самарадорлик 9%га ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришга инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштириш механизми, инвестиция лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, инвестиция лойиҳалари таснифи очиқ берилган.


Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритадиган ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхоналарнинг молиявий ҳолати ўзига хосликлар ва алоҳида жиҳатларга эга. Корхона ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ўзининг молиявий ишларини умумэтироф этилган жаҳон савдо қоидаларига асосланадиган замон талабларига мувофиқ ташкил этиши лозим. Бундай талаб ва қоидаларда товарлар ва хизматлар экспорти ёки импорти операцияларини молиялаштириш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмини аниқ тушуниш ҳамда самарали қўллаш кўзда тутилади.

Механизмни ишлаб чиқиш, унинг структураси ҳамда таъминотнинг қуйи тизимлари ва элементларнинг ўзаро алоқаларини асослаб бериш сезиларли даражада корхонанинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини кучайтиради, унинг фаолияти умумий кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради.

ТИФни молиявий таъминлаш механизми асосий иқтисодий қонунларга асосланиши, ички ва ташқи муҳит ҳолати, таъсирини ҳисобга олиши, корхона улар ёрдамида ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни ошириши мақсадида фаолиятни молиялаштириш стратегиясига таъсир этиши мумкин бўлган бошқарув воситалари ва функциялари, топшириқлари, асосий усуллари ва тамойилларини қамраб олиши лозим (1-расм).

ТИФни молиявий таъминлаш вазифалари стратегик, тактик ва операцион даражаларда белгиланиб, бу корхонага устувор фаолият йўналишларини белгилаш ва воситачилар билан ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишдаги молиявий муносабатларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Ҳозирги кунга қадар инвестиция лойиҳаси ҳақида ва энг асосийси унга иқтисодий категория сифатида қараб, муайян олимлар, иқтисодчилар ва меъёрий ҳужжатларда таъриф беришган. Ушбу таърифлар мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, аммо шаклан, ҳатто тубдан бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам мавжуд.



1-расм. Саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятни молиявий таъминлаш механизмнинг структураси.⁴

Инвестиция лойиҳасининг хорижлик олимлар томонидан ҳамда меъёрий ҳужжатларда берилган таърифларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида қуйидаги муаллифлик таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Инвестиция лойиҳаси бу – тўлов қобилиятлилиги асосида амалий ҳаракатларни мақсадли амалга ошириш, инвестицион қўйилмалар орқали молиявий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳамда қонун билан

⁴ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

тақиқланмаган масалаларни ҳал қилишга асосланган натижалар тизими ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасини таснифлаш орқали янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Иқтисодий адабиётларни ўрганган ҳолда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳасининг таснифланиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Инвестиция лойиҳасининг таснифланиши.⁵

Инвестиция лойиҳаларини таснифлаш орқали уларнинг ҳар бир тури бўйича етарлича маълумот олиш имкони яратилади.

Диссертациянинг «Саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ҳолати» деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлиги, саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятига инвестициялар таъсирининг эканомерттик таҳлили амалга оширилган.

Миллий иқтисодиёт тармоқларининг инвестиция фаолияти ва унинг ўзгарувчанлиги хорижий инвестицияларнинг юқори даромадли соҳаларга кириб келиши ва мамлакат минтақалари бўйича тақсимланиши ҳамда улар билан боғлиқ ҳудудий йўналишларни ёритишда муҳим омил саналади. Қолаверса, хорижий инвесторлар иштирокидаги йирик инвестиция

⁵Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

лойиҳалари хом ашё ресурсларини ўзлаштириш ва ихтисослашган саноат тармоқлари доирасида амалга оширилиши уларнинг нисбатан юқори инвестиция салоҳияти, яъни хом ашё ва ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд бўлган Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрига кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётидаги ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индексидан фойдаланилади. Ялпи ички маҳсулот ўсишининг капитал сиғими кўрсаткичи қуйидагича аниқланади.

$$ICOR = \frac{\left(\frac{I}{Y} * 100 \%\right)}{\Delta Y \%}$$

Бу ерда: I – асосий капиталга киритилган инвестициялар; Y – мамлакат ЯИМ ҳажми; $\Delta Y\%$ – ЯИМ миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.

ICOR индекси қанчалик паст бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу ерда мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти юқорилиги, ўзлаштирилган ҳар бир бирлик инвестиция ўзидан олдинги даражадан юқори бўлган миқдорда маҳсулот яратиш имконини беради. Бу эса мавжуд ҳолатда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади.

ICOR индекси қанчалик юқори бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти пастлигидан гувоҳлик беради, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаган.

ICOR индексини ҳудудлар кесимида ҳам ўрганиш мумкин.

Мамлакат ҳудудлари бўйича ICOR индексидagi ўзгаришларни йиллар давомида қиёсий ўрганадиган бўлсак, 1-жадвалда келтирилган маълумотлар реал ҳолатдан дарак беришини эътиборга олиш лозим.

Жадвал маълумотларидан 2005–2016 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари ушбу индекс қийматининг барқарор эмаслигини кўриш мумкин. Бу эса ҳудудларнинг иқтисодий ўсишида инвестициялар самарадорлигининг аҳамияти пастлигидан гувоҳлик беради. Демак, юқоридаги ҳудудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаган. Юзага келган бу ҳолат ҳудудлар иқтисодиётини сармоялашда хорижий инвестициялар салмоғининг кескин ошиши ва уларнинг юқори мужассамлашуви, асосан, мақсадли лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига юз берганлиги сабабли инвестицияларни ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсири паст бўлиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича ICOR индексининг ўзгариш
коэффициенти⁶

Минтақалар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ўзбекистон Республикаси	2,8	2,5	2,2	2,7	3,1	2,9	2,7	2,9	3,01	3,00	2,9	3,2
Қорақалпоғистон	4,1	3,9	7,7	7,4	5,4	2,5	3,3	3,3	8,4	9,4	10,8	4,1
Андижон	1,1	0,9	0,9	1,2	1,6	1,5	1,6	2,2	1,9	1,8	5,6	25,2
Бухоро	2,6	4,3	3,8	8,3	14,6	5,5	4,7	4,6	5,5	4,8	4,8	9,4
Жиззах	1,8	1,9	1,7	2,3	2,7	2,3	2,3	3,2	3,5	3,2	2,9	2,8
Қашқадарё	4,3	5,7	3,9	4,1	5,1	7,4	4,8	7,2	7,3	5,40	5,8	8,7
Навоий	9,5	4,0	5,4	2,1	2,4	17,8	4,9	5,6	5,9	3,5	4,7	7,7
Наманган	2,2	1,9	1,9	1,6	2,4	1,7	1,9	1,8	2,3	2,7	3,1	3,5
Самарқанд	2,9	1,6	1,4	1,9	1,9	1,7	2,1	1,9	2,6	2,2	2,4	3,1
Сурхондарё	4,3	2,2	3,1	3,0	4,1	2,1	1,9	2,0	2,6	2,3	2,7	6,0
Сирдарё	1,3	2,0	3,1	2,2	4,1	3,0	3,6	2,6	5,1	4,1	3,3	3,6
Тошкент	4,9	1,6	1,7	4,4	3,9	2,3	2,7	3,7	3,2	3,4	3,2	3,5
Фарғона	1,8	1,5	1,7	2,5	2,6	3,3	2,6	2,3	2,6	2,2	2,1	3,1
Хоразм	3,1	1,9	2,5	1,9	2,2	1,7	2,5	2,0	3,0	3,2	2,0	4,6
Тошкент шаҳри	5,9	3,2	1,5	1,9	2,3	3,1	1,9	4,5	3,0	2,3	2,5	2,7

Енгил саноат тармоғи мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга муҳим ҳисса қўшадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ушбу тармоққа жалб қилинган инвестициялар ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат» АЖ)
корхоналарида жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг таҳлили,
млн.сўм ҳисобида⁷

Молиялаштириш манбалари	Жами	Шу жумладан					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ўз маблағлари	231867,6	23058,6	60905,9	30331,6	42334,9	24980,8	50255,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	423869,0	28376,3	109092,7	74937,7	58203,5	129590,4	23668,4
Тижорат банк кредитлари ва қарз маблағлари	86262,4	55566,6	7401,2	113,1	3460	3019,5	16702,0
Жами	741999	107001,5	177399,8	105382,3	103998,4	157590,7	90626,2

2-жадвал маълумотларига кўра «Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналарида жами ўзлаштирилган инвестициялар таркибида ўз маблағлари миқдори 2017

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоби.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

йилда 2012 йилга нисбатан 27197,2 млн сўмга ошган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 4707,9 млн сўмга камайган, тижорат банк кредитлари ва қарз маблағлари 38864,6 млн сўмга пасайган. 2015 йилда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарда модернизация жараёни юз берди ва бу 2015 йилга АЖ тижорат банклари кредитлари ва қарз маблағларининг 30 баробарга ошишига олиб келди. Бундан ташқари тўқимачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекенгилсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ–5285-сон Фармонида асосан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси айлантирилган.

Илмий изланиш жараёнида аниқланган «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятига оид, тадқиқот мавзусининг долзарблигини асословчи айрим таҳлилий маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалда келтирилган енгил саноат корхоналари томонидан асосий экспорт маҳсулотлари тайёр маҳсулотдан иборат бўлиб, унинг таркибида йигирилган пахта ипи юқори салмоққа эга. Хусусан, 2012 йилда 322,6 млн доллар миқдоридан ушбу турдаги маҳсулот экспорт қилинган ва умумий экспортнинг 45,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йил якунларига кўра бу кўрсаткич 529,1 млн доллар ёки 45,2 фоизни ташкил қилган. 2017 йилда 2012 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга пасайган.

3-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси («Ўзбекенгилсаноат» АЖ) корхоналарида маҳсулотлар турлари бўйича экспорт ҳажми, млн доллар ҳисобида⁸

Маҳсулот номланиши	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Йигирилган пахта ипи	322,6	409,0	480,2	474,6	414,3	529,1
Тўқилган маҳсулотлар ва трикотаж газламалар	44,9	67,0	50,0	58,9	76,0	84,0
Тайёр маҳсулотлар	206,6	229,4	197,3	167,4	171,8	354,4
Ипак иплар	13,1	15,8	13,1	12,4	18,9	19,1
Бошқалар	118,2	106,1	121,4	155,0	465,4	182,3
ЖАМИ	705,3	827,3	861,9	868,2	1 146,5	1 169,0

Тўқилган маҳсулотлар ва трикотаж газламалар 2012 йилда 44,9 млн доллар ёки 6,4 фоизни ташкил қилган. 2017 йилга келиб ушбу маҳсулотлар экспорти 84,0 млн долларга оширилган ҳамда 7,1 фоизни ташкил этган ва 2012 йилга нисбатан 0,7 фоизли пунктга ўсган. Тайёр маҳсулотлар экспорти 2012 йилда 206,6 млн доллар ёки жами экспортнинг 29,2 фоизини ташкил қилган, 2017 йилда бу кўрсаткич мос равишда 354,4 млн доллар ёки 30,3 фоизни ташкил қилган.

Энди «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги USTEX корхонасининг Тошкентдаги филиали маълумотларини таҳлил қиламиз.

⁸«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланган.

«Uztex Tashkent» кўшма корхонасининг кўрсаткичлари⁹

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2014	2015	Ўсиш суръати, %	2016	2017	Ўсиш суръати, %
1	Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлар	млн сўм	27 840	24 278	87,2	48000	90000	187,5
2	Экспорт	минг долл	3 899	3 481	78,3	7520	11220	149,2
3	Пахта толаси олиними	тонна	3 324	3 519	105,9	–	–	–
4	Умумий ишловчилар сони	киши	200	220	110	220	240	109
5	Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати (ип калава)	тонна	3000	3000	100	6000	6000	100

4-жадвалдан ҳам кўриш мумкинки, «UZTEX TASHKENT» кўшма корхонасида 2014–2015 йилларда корхонада ишловчилар сони ошган, пахта толаси импорти ошган, аммо корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 12,8% га, экспорт салмоғи эса 21,7% га камайганини кўриш мумкин. Корхона фаолиятини ўрганиш давомида бу корхонада замонавий технологияларнинг етишмаслиги корхонада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўқинлик қилиши аниқланди. Ўз навбатида, 2016 йил корхонага янги юқори қувват билан ишлайдиган янги технология киритилишига эришилди, бу эса корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сони ҳамда экспортга ижобий таъсир этди. Бироқ бу технологияни самарали ишлатиш кадрлар малакасини талаб этади. Бугунги кунгача кадрлар малакаси, уларнинг технологиядан тўлақонли фойдалана олишга эришиши шартномаларда кўзда тутилмаган ва муаммоли масала бўлиб келган. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган таклифга асосан инвестор билан тузилган шартномада кадрларга қилинган инвестиция, яъни ходимларни ўқитиш замонавий технологиядан самарали фойдаланишга олиб келди ва корхона фаолиятида бу ўз самарасини кўрсатди. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 87,5%, экспорт ҳажми эса 49,2% ошишига олиб келди.

Инвесторнинг улушини ошириш бўйича тадқиқот жараёнида берилган таклиф бир қатор экономертик таҳлилларни талаб этди. Ушбу жараёнда маълумотларнинг табиатини аниқлаб олиш муҳимдир. Биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг айрим иқтисодий кўрсаткичларига тегишли бўлган номинал кўринишдаги маълумотларнинг тўплаб олиними, ушбу маълумотларнинг вақт қаторлари кўринишида бўлишини амалга ошириш кўзда тутилган тадқиқот методологиясига мос келади.

Таҳлилларни амалга ошириш учун қуйидаги ўзгарувчиларга тегишли бўлган маълумотлар тўпланди: ЯИМ ҳажми (GDP), экспорт ҳажми (EXP), асосий капиталга бўлган жами инвестициялар ҳажми (INV), «Ўзбекенгилсаноат» АЖ («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси) корхоналарида ўзлаштирилган жами инвестициялар (Yengil INV), «Ўзбекенгилсаноат» АЖ

⁹«UZTEX TASHKENT» кўшма корхонаси маълумотлари асосида тайёрланган.

(«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси) корхоналари томонидан амалга оширилган жами экспорт ҳажми (Yengil EXP).

Бирламчи маълумотлар миллий валютада берилган бўлиб, 2012 йилдан 2017 йилгача бўлган даврни қамраб олган. Ушбу маълумотлар номинал кўринишда берилганлиги бир қатор эконометрик муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда интерпритацияни мураккаблаштиришини инобатга олиб, барча ўзгарувчилардаги маълумотлар логарифм кўринишига ўтказилди. Эконометрик моделлар ичида вақт қаторлари кўринишидаги маълумотларни таҳлил этиш учун энг кенг тарқалган энг кичик квадратлар (ЭКК) усулидан фойдаланилди. Бунинг сабаби тадқиқотда таҳлил этилаётган маълумотлар стационар ҳолатда эканлигида. Уларнинг стационарлиги ADF тести орқали аниқланди.

5-жадвал

Эконометрик таҳлил натижалари

	Тобе ўзгарувчи: GDP		Тобе ўзгарувчи: EXP		Тобе ўзгарувчи: Yengil EXP		Тобе ўзгарувчи: Yengil EXP		Тобе ўзгарувчи: Yengil INV	
	Коэф.	С.х. (аҳам.)	Коэф.	С.х. (аҳам.)	Коэф.	С.х. (аҳам.)	Коэф.	С.х. (аҳам.)	Коэф.	С.х. (аҳам.)
Мустақил ўзгарувчилар	Модел 1: ЯИМ га инвестициялар ва экспортнинг таъсири (макродаражада)		Модел 2: Инвестицияларнинг экспортга таъсири (макродаражада)		Модел 3: Енгил саноатдаги экспортга енгил саноатга қилинган инвестициялар таъсири		Модел 4: Енгил саноатдаги экспорт, енгил саноат ҳамда бошқа соҳаларга қилинган инвестициялар таъсири		Модел 5: Енгил саноат экспортининг енгил саноатга қилинадиган инвестицияларга таъсири	
EXP	0,22	0,12 (0,02)**								
INV	0,55	1,18 (0,05)*	1,89	1,85 (0,08)*			0,55	0,07 (0,00)*		
Yengil INV					0,18	0,08 (0,02)*	0,16	0,10 (0,18)		
Yengil EXP									1,72	0,28 (0,00)** *
Константа	0,07	0,09 (0,48)	- 0,36	0,36 (0,39)	0,10	2,84 (0,06)	2,91	3,45 (0,46)	-11,25	5,98 (0,13)
R квадрат	0,81		0,25		0,60		0,94		0,89	
Лог эҳтимолли	14,84		6,19		6,57		10,63		5,03	

Изоҳ: *** – $P < 0,1$; ** – $P < 0,5$; * – $P < 1,0$.

Энг кичик квадратлар усулида бир қатор регрессиялар амалга оширилди. Яқунда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилган моделлар ҳавола этилди (5-жадвал). Биринчи моделда ЯИМга мамлакатда асосий капиталга бўлган инвестициялар ҳамда мамлакат миқёсида амалга оширилган экспортнинг таъсири ўрганилди. Бу макродаражада инвестициялар (яъни молиялаштириш)нинг экспорт (асосий иқтисодий кўрсаткичлар)га таъсирини кўрмоқчи

эдик. Эконометрик таҳлил натижалари экспортнинг 1% га ошиши ЯИМ нинг 0,2% га ҳамда инвестициялар ҳажмининг 1% ошиши – ЯИМ нинг 0,5% га ошишига олиб келишини кўрсатди.

Иккинчи моделда макродаражада инвестицияларнинг экспортга таъсири кўриб чиқилди ва унда инвестицияларнинг 1% га ошиши экспорт ҳажмини 1,8% га ошишига олиб келиши аниқланди.

Учинчи моделда енгил саноат секторида амалга оширилган экспорт ҳажмига айнан енгил саноат соҳасига қилинган инвестицияларнинг таъсири ўрганилиб, ушбу инвестицияларнинг 1% ошиши енгил саноатдаги экспорт ҳажмини 0,18% ошириши аниқланди. Ушбу кўрсаткичнинг нисбатан кам миқдорда таъсир этиши биринчи навбатда таҳлил этилган маълумотлар ичида бугунги кунда енгил саноат соҳасида экспорт ҳажмининг қисман камайганлиги ва барқарор бўлмаганлиги билан изоҳланади.

Тўртинчи моделда енгил саноатдаги экспортга енгил саноатга ҳамда бошқа соҳаларга қилинган инвестицияларнинг таъсири таҳлил этилган бўлиб Ўзбекистонда асосий воситаларга инвестициялар ҳажмининг 1% га ошиши енгил саноат соҳасига ҳам 0,55% ли ўсиш билан таъсир этиши аниқланди. Бундай ҳолат мамлакатдаги бошқа секторларда умумий аҳволнинг яхшиланиши, инфратузилма ва умумий бизнес муҳитнинг яхшиланиши билан изоҳланади.

Инвестициялар – молиялаштиришнинг экспортга таъсири ижобий эканлиги аниқланиши билан бир қаторда бошқа, яъни инвестицияларнинг ҳажми ошиши туфайли экспорт ҳажми ошгандан сўнг юқори суръатдаги экспорт кўрсаткичлари бошқа инвесторларни ушбу соҳага сармоя киритишга ундаб, ўз навбатида, инвестиция ҳажми ошишига олиб келиши мумкинми, деган савол туғилиши табиий.

